



## PRIORITY DIRECTIONS FOR IMPROVING THE ORGANIZATIONAL AND LEGAL FOUNDATIONS OF THE LEGAL STATUS OF PERSONS PARTICIPATING IN ADMINISTRATIVE COURT PROCEEDINGS IN UZBEKISTAN

**Guljakhon Madrakhimova**

*Independent Researcher at Tashkent State University of Law*

[guljaxonmadraximova@gmail.com](mailto:guljaxonmadraximova@gmail.com)

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Administrative judicial proceedings, participants of proceedings, applicant's rights, civil service disputes, obligation-imposing claims, third parties, procedural duties, international practice.

**Received:** 19.10.25

**Accepted:** 20.10.25

**Published:** 21.10.25

**Abstract:** This article provides a comprehensive analysis of the improvement of the legal status of participants in administrative judicial proceedings in Uzbekistan. Based on Presidential Decree the study substantiates the need to expand applicants' rights to access administrative courts, introduce the legal mechanism of imposing obligations on administrative bodies, ensure the mandatory participation of state bodies in court proceedings, clarify procedural duties of participants, and refine the legal status of third parties. The article examines advanced practices of Germany, France, Estonia, Georgia, and Kazakhstan, and offers concrete recommendations for enhancing national administrative procedure legislation.

## ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ШАХСЛАР ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Гулжаҳон Мадраҳимова**

*Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси*

[guljaxonmadraximova@gmail.com](mailto:guljaxonmadraximova@gmail.com)

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Маъмурий суд иш юритуви, ишда иштирок этувчи шахслар, аризачи ҳуқуқлари, давлат фуқаролик

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юрителида ишда иштирок этувчи

хизмати, маъмурий органга мажбурият юклаш, учинчи шахслар мақоми, процессуал мажбуриятлар, халқаро тажриба.

шахсларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш масалалари ҳар томонлама таҳлил этилган. Аризачининг ҳуқуқий мақомини кенгайтириш, давлат органларининг процессуал мажбуриятини аниқ белгилаш, маъмурий органга нисбатан мажбурият юклаш институтини қонунчиликка киритиш, процесс иштирокчиларининг мажбуриятларини аниқлаш ҳамда учинчи шахслар мақомини такомиллаштириш зарурати асослаб берилган. Мақолада Германия, Франция, Эстония, Грузия, Қозоғистон каби давлатларнинг илғор амалиёти ва халқаро стандартлар ўрганилган, амалдаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш учун аниқ таклифлар баён этилган.

## ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫХ ОСНОВ ПРАВОВОГО СТАТУСА ЛИЦ, УЧАСТВУЮЩИХ В АДМИНИСТРАТИВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ В УЗБЕКИСТАНЕ

*Гульжахон Мадрахимова*

*Независимый исследователь*

*Ташкентского государственного юридического университета*

[guljaxonmadraximova@gmail.com](mailto:guljaxonmadraximova@gmail.com)

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

| Ключевые                                                                                                                                                                                                                         | слова: | Аннотация:                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Административное судопроизводство, участники процесса, права заявителя, государственная гражданская служба, возложение обязанностей на административный орган, третьи лица, процессуальные обязанности, международные стандарты. |        | В статье всесторонне проанализированы вопросы совершенствования правового статуса участников административного судопроизводства в Узбекистане. На основе Постановления Президента Республики Узбекистан обоснована необходимость расширения права заявителя на обращение в суд, введения в законодательство института возложения обязанностей на административный орган, установления обязательного участия государственных органов в процессе, а также уточнения процессуальных обязанностей и правового положения третьих лиц. Исследованы современные подходы Германии, Франции, Эстонии, Грузии и Казахстана, а также представлены конкретные предложения по совершенствованию национального законодательства. |

Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишда ишда иштирок этувчи шахслар ҳуқуқи мақомининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 30 январдаги ПҚ-33-сон қарори бунга яққол мисолдир. Қарор билан Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш концепцияси тасдиқланиб, соҳани ривожлантиришнинг учта катта йўналиши белгиланди:

1. Маъмурий суд ишларини юритишда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш;

2. Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклашда суднинг фаол иштироки принципини қўллаш механизмларини кенгайтириш;

3. Маъмурий суд ишларини юритишга халқаро стандартларга ва илғор хорижий тажрибага мувофиқ янги институт ва тартибларни жорий этиш.

Биз тадқиқот ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда маъмурий суд ишларини юритишда ишда иштирок этувчи шахслар ҳуқуқи мақомининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, маъмурий суд ишларини юритишнинг муҳим иштирокчиси бўлган аризачининг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини кенгайтириш лозим. Бу борада алоҳида тоифадаги субъект ҳисобланган давлат хизматчисидир. Ўзбекистон Республикаси “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” Қонуннинг 52-моддасига кўра, давлат фуқаролик хизматчиси давлат органининг қонунга ҳилоф қарорлари, шунингдек улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи давлат органига ёки махсус ваколатли давлат органига ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли. Давлат органининг қонунга ҳилоф қарорлари, шунингдек улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида давлат фуқаролик хизматчисининг бузилган, низолашилаётган ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади. Демак, амалдаги

қонунчиликка кўра, давлат фуқаролик хизматчиси маъмурий судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Европа инсон ҳуқуқлари суди (ЕИҲС) позицияси ЕИҲС барча хизмат низоларини оммавий-ҳуқуқий муносабатлар деб тан олган, бу эса уларни маъмурий иш юритуви доирасида кўриб чиқишни талаб этади. Шу маънода, бу низоларни фуқаролик иш юритувига нисбат бериш ЕИҲС қарорларига зид ҳисобланади.

Мазкур масала олимларнинг доим диққат марказида бўлиб келган. Хусусан, М.Брунс Европа Иттифоқи ва Канададаги хизмат низоларини тартибга солиш механизмларини таҳлил қилиб, бу тизимларнинг самарадорлиги давлат органларига ишончни оширишига сабаб бўлишини таъкидлайди.

Ж.Боргаулт Европа стандартларини миллий тизимга мослаштириш орқали давлат хизматлари сифатини оширишга урғу берган. Умуман олганда, хорижий олимлар давлат хизматига оид низоларни ҳал этишнинг аниқ механизмини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб келадилар. Ўз навбатида, хизмат низолари давлат хизмат муносабатларини узвий бир таркибий қисми эканлигига катта урғу берадилар. Бу эса мазкур турдаги низолар маъмурий низоларнинг бир кўринишига урғу қаратадилар.

Шунингдек, хорижий суд амалиёти ҳам ушбу низоларнинг хусусиятига алоҳида урғу қаратади. Хусусан, Россия Федерацияси Конституциявий судининг ҳуқуқий позициясига кўра, давлат фуқаролик хизмати давлат ҳокимияти органлари ваколатларини амалга оширишни таъминловчи махсус хизмат фаолияти тури ҳисобланади. Бу эса фуқаролик-ҳуқуқий эмас, балки оммавий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида баҳоланиши кераклигини англатади. Шу сабабли, хизмат низолари бўйича ишларни процессуал тартибда аниқлашда ягона ва замонавий ҳуқуқий ёндашув талаб этилади.

Юқорида баён этилган фикрларга қўшилиш лозим. хизмат низоларини маъмурий суд иш юритуви тартибида кўриб чиқиладиган ишлар доирасига киритиш зарур, чунки бундай низолар муайян оммавий органда хизмат ўтаётган шахслар ва ушбу оммавий органнинг ҳуқуқларига дахл қилади. Бизнинг фикримизча, давлат хизмат билан боғлиқ хизмат низолари юзасидан суд ҳимояси механизмини маъмурий суд иш юритуви тартибида қўллаш керак. Бу муносабатлар оммавий ҳуқуқ нормаларига асосланган бўлиб, давлат органи ва ушбу органда хизмат қилаётган фуқаролар ўртасидаги муносабатлар, хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш имконини, суднинг фаол ролини, яъни тарафлар тенглиги ва эркинлиги чекланган ҳолда, суднинг фаол ҳаракати орқали иш юритишни ўз ичига олади.

Маъмурий иш юритуви ушбу тоифадаги ҳуқуқий муносабатларни ҳал этиш учун энг мос шакл ҳисобланади, чунки у оммавий хизмат хусусиятига тўлиқ мос келади ва

давлатнинг функционал мажбуриятларини амалга ошириш жараёнида юзага келган низоларни ечишга йўналтирилган.

Амалдаги қонунчиликка кўра, давлат фуқаролик хизматига оид низолар маъмурий судлар томонидан қўрилиши белгиланган бўлиб, бу эса мазкур соҳа суд амалиётини такомиллаштиришни тақоза этади. Шу нуктаи назардан, “Давлат фуқаролик хизматчиси давлат органининг қонунга ҳилоф қарорлари, шунингдек улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленум қарорини ишлаб чиқиш лозим.

Иккинчидан, маъмурий судларда аризачи томонидан маъмурий органга мажбурият юклашга оид асосий талаб билан мурожаат қилиш ҳуқуқини қонунчиликда белгилаш лозим. Амалдаги қонунчиликка кўра, аризачи маъмурий судга қарорни ҳақиқий эмас деб топиш ва ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни қонунга ҳилоф деб топиш талаби билан мурожаат қилиш мумкин.

Маъмурий судларда маъмурий органга нисбатан мажбурият юклаш талаби аризачи томонидан маъмурий орган (ёки мансабдор шахс)га муайян ҳуқуқий ҳаракатни бажариш ёки ҳуқуқий ҳолатни тиклаш мажбуриятини юклашни сўраб берилган талаб ҳисобланади. Бу турдаги талаблар, одатда, маъмурий орган ўз мажбуриятларини бажармаган ёки ҳаракатсиз қолган ҳолларда юзага келади.

Маъмурий органга нисбатан мажбурият юклаш талаби қарор қабул қилишни мажбурлаш (масалан, лицензия бериш), тасдиқлаш ёки қайд этиш мажбуриятини юклаш (масалан, мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш) ва ҳуқуқни тиклаш учун аниқ ҳаракатни амалга ошириш каби шаклларда намоён бўлади.

Германия қонунчилигига кўра, агар маъмурий орган белгиланган қарорни чиқармаган бўлса, суд уни чиқаришга мажбур қилиш қарорини чиқаради.

Францияда фуқаро давлат органининг ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилиб, *agir dans un délai raisonnable* (маъқул муддат ичида ҳаракат қилиш) талабини қўйиши мумкин.

Эстонияда даъвогар маъмурий органга муайян ҳаракатни бажаришни талаб қилиши мумкин. Суд агар бу талаб асосли деб топса, органини шу ҳаракатни бажаришга мажбурлайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, МСИЮтКнинг 185-моддасини қўйидаги таҳрирдаги баён қилиш лозим:

“Манфаатдор шахс маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қарорларини ҳақиқий эмас, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини

(ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш ва маъмурий органга мажбурият юклаш тўғрисида ариза (шикоят) билан, агар бу қарор, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли:

унинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузган;

унинг ҳуқуқлари, эркинликларини амалга оширишга ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга тўсиқлар вужудга келтирган;

унинг зиммасига қонунга хилоф равишда бирор-бир мажбурият юклаган;

унинг у ёки бу соҳадаги фаолиятни амалга ошириши учун бошқа тўсиқлар вужудга келтирган деб ҳисобласа, судга мурожаат қилишга ҳақли.”

Шу билан бирга, МСИЮтКнинг 186-, 187- ва 189-моддаларига мажбурият юклаш талаби жорий этилиши муносабати билан қўшимчалар киритиш лозим.

Учинчидан, маъмурий суд ишларини юритишда ишда иштирок этувчи шахслар муҳим қўриниши бўлган давлат органларининг судда иштирок этиш амалиётини такомиллаштириш лозим.

МСИЮтК 47-моддасида давлат органлари ва бошқа шахслар фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ариза бериши мумкинлиги, ариза берган мазкур органлар ва шахслар аризачининг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши ҳамда унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олиши назарда тутилган. Мазкур норма мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, давлат органлари ва бошқа шахслар фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ариза беради ҳамда аризачининг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ҳамда унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Лекин, суд амалиётида жуда кўп ҳолларда, давлат органлари ва бошқа шахслар фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида маъмурий судларга ариза билан мурожаат қилиб, суд мажлисларида бевосита ўзлари қатнашишмайди ҳамда ишни ўзларининг иштирокисиз кўриб чиқиш ҳақида ариза билан мурожаат қилишади.

Айрим давлат органлари (адлия, молия ва бошқалар) ўзларига қонун билан берилган яъни давлат божини тўлашдан озод қилиш ҳақидаги имтиёздан фойдаланишиб, дастлаб судга ариза тақдим қилишиб, суд мажлисларига қатнашмасдан келишмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, МСИЮтКнинг 47-моддасини қуйидаги таҳрирдаги тўртинчи қисм билан тўлдириш лозим:

“Давлат органи ва бошқа шахс ўзи берган ариза бўйича иш юритишда қатнашишлари шарт”.

Тўртинчидан, ишда иштирок этувчи шахсларнинг мажбуриятларини аниқ белгилаш лозим.

Кўпгина хорижий давлатларнинг маъмурий қонунчилигида процесс иштирокчиларининг мажбуриятлари кўрсатилган бўлиб, унда процесс иштирокчиси ўз ҳуқуқларидан виждонан фойдаланиши шартлиги, суд процесс иштирокчилари ёки уларнинг вакиллари ёки маслаҳатчилари томонидан ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилишга, жараёни кечиктиришга ёки судни чалғитишга йўл қўймаслиги, ишнинг имкон қадар тўғри, тез ва тежамкор кўрилишига ғаразли аралашган процесс иштирокчисига суд жаримаси қўлланиши кўрсатилган.

МСИЮтКнинг 39-моддасида тарафларнинг ҳуқуқлари билан бирга юқоридаги мажбуриятларини кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бу ўз ўрнида тарафларни процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш ҳолатларини олдини олиши, суд мажлисларини бекорга чўзилмаслиги, энг асосийси суд процессининг бошқа иштирокчиларини ҳуқуқларини бузмаслигини таъминлайди.

Бундан ташқари, суд амалиётида қасддан суд процесси чўзилишига ҳаракат қилиш учун асоссиз, ариза ва шикоятлар, далилларни талаб қилиб олиш, экспертиза тайинлаш тўғрисида ўйлаб топилган илтимосномалар тақдим қилиш, судьяни рад этиш тўғрисида асосланмаган ариза бериш каби ҳолатлар суд процессида кенг тарқалган.

Юқоридагиларга асосан, 39-модданинг мажбуриятлар қисмига қуйидагича ўзгартиш киритиш лозим бўлади:

«Процесс иштирокчилари ўз ҳуқуқларидан виждонан фойдаланишлари, суд процесс иштирокчилари ёки уларнинг вакиллари томонидан ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилишга, жараёни кечиктиришга ёки судни чалғитишга йўл қўймаслиги, ишнинг имкон қадар тўғри, тез ва тежамкор кўрилишига ғаразли аралашган процесс иштирокчисига суд томонидан жарима қўлланилади».

Бешинчидан, маъмурий суд ишларини юритишда учинчи шахслар мақомига аниқлик киритиш лозим. Маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида учинчи шахслар асосий тараф сифатида иштирок этмайдиган, бироқ чиқариладиган қарордан манфаатлари таъсирланиши мумкин бўлган шахслардир.

МСИЮтКга кўра, учинчи шахслар икки тоифага ажратилади. Хусусан, низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар ва низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсларга ажратилади. Бу фуқаролик процессуал ҳуқуқдан ўтган концепция бўлиб, унда норматив аниқлик ва ҳуқуқий таъсир даражасини белгилаш асосий мақсад бўлган. Лекин аксарият

давлатларда учинчи шахслар икки тоифага ажратиш тажрибаси мавжуд. Қуйида мазкур фарқларни батафсил таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Германияда учинчи шахслар «Beigeladene» деб аталади ва улар ишга суд томонидан жалб этилади. Агар шахснинг ҳуқуқий манфаатлари иш натижасида таъсирланиши мумкин бўлса, суд уни учинчи шахс сифатида жалб қилиши шарт ҳисобланади.

Франция маъмурий суд амалиётида учинчи шахслар «intervenant» деб юритилади. Шахс суд муҳокамаси жараёнида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ишга аралаша олади. Бунда улар мустақил талаб қўйиш эмас, балки мавжуд даъвонинг таъсири доирасида фикр билдириш ҳуқуқига эгадир.

Россия Федерациясида учинчи шахслар суд қароридан манфаатдор бўлган ҳолда иштирок этадилар. Агар уларнинг ҳуқуқлари иш натижасида тўғридан-тўғри таъсирланса, судга мустақил талаб билан ҳам мурожаат қилишлари мумкин.

Ушбу давлат тажрибаси келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимики, «зарурий жалб этиш» концепцияси Ўзбекистон МСИЮтКда мустақил равишда аниқ ифода этилмаган.

Грузия Республикасининг Маъмурий процессуал кодексининг 16-моддасига кўра, суд асосий суд мажлиси якунлангунига қадар, суд қарори манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсларни маъмурий жараён бошлангани тўғрисида хабардор қилиш ва уларни ишга учинчи шахс сифатида жалб қилиш ҳуқуқига эга. Агар учинчи шахс суд томонидан ягона қарор қабул қилиниши мумкин бўлган ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи шахс бўлса, у ҳолда ушбу шахсни ишга жалб этиш мажбурий ҳисобланади. Агар ушбу ҳуқуқий муносабатларда 10 нафардан ортиқ шахс иштирок этса, суд ишга фақат киришиш истагини билдирган шахсларни жалб этади. Ҳар қандай манфаатдор шахс ишга учинчи шахс сифатида жалб этиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Агар ишга 10 нафардан ортиқ учинчи шахс жалб этилган бўлса, ажримни шахсан топшириш ўрнига, уни расман эълон қилиш йўли билан хабардор қилиш мумкин. Шахсни ишга учинчи шахс сифатида жалб қилиш тўғрисидаги суд ажримига шикоят бериш мумкин эмас. Ўзбекистонда сон жиҳатидан чеклов йўқ ва суд қароридан манфаатдор бўлган шахслар жалб этилади, лекин фаолликка асосланган жалб этиш ёки оммавий манфаат тушунчаси ривожланмаган.

Қозоғистон Республикасининг Маъмурий процедура-процессуал кодексига кўра, учинчи шахс манфаатдор шахс деб номланиб, манфаатдор шахс деб ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари суд ҳужжати билан бузилиши ёки бузилиши мумкин бўлган шахс эътироф этилади. Манфаатдор шахслар, агар суд ҳужжати уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, суднинг биринчи инстанциясида маъмурий ишни кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан

тугалланидиган суд ҳужжати қабул қилингунига қадар, даъвогар ёки жавобгар томонида ўз ташаббуси билан маъмурий ишга қўшилиш ҳуқуқига эгадирлар. Манфаатдор шахслар маъмурий жараён иштирокчилари ёки суд ташаббуси билан маъмурий ишда иштирок этишга жалб этилиши мумкин. Манфаатдор шахслар даъвогар ёки жавобгарнинг процессуал ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва уларнинг процессуал мажбуриятларини бажарадилар, лекин даъво асоси ёки предметини ўзгартириш, даъвони қайтариб олиш, даъвони тан олиш, ярашиш, медиация ёки баҳсни иштирокчи тартибда ҳал этиш тўғрисида келишув тузиш ҳуқуқига эга эмаслар. Қозоғистон учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини тараф даражасига олиб чиқмайди, лекин ҳуқуқий таъсири чекланган мақомда сақлайди. Бу ҳолат Ўзбекистоннинг иккита тоифага бўлган таснифига яқин, аммо атамаси «учинчи шахс» эмас, манфаатдор шахс деб юритилади.

Умуман олганда, маъмурий суд ишларини юритишда учинчи шахсларнинг ҳуқуқий мақомига аниқлик киритиш муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш лозимки, амалдаги қонунчиликдаги учинчи шахс мақоми фуқаролик процессуал қонунчилик таъсирида шаклланган. Бугунги кунда маъмурий суд иш юритуви қонунчилиги олдида турган долзарб масала уни фуқаролик процессуал қонунчиликдан аниқ фарқли чегараларини белгилаш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарорида ҳам мазкур масалага алоҳида урғу берилган. Жумладан, унга кўра оммавий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдорлиги нуқтаи назаридан маъмурий суд ишларини юритишда жалб қилиниши лозим бўлган учинчи шахслар доирасига аниқлик киритиш лозимлиги белгиланган.

Олтинчидан, маъмурий суд иш юритуви фанини ўқитиш тизимини такомиллаштириш лозим. Бугунги кунда “Маъмурий суд иш юритиви” фани олий таълим ташкилотларида бошқа процессуал ҳуқуқ фанлари даражасида эътибор берилмайди. Ваҳоланки, мазкур фан янги соҳа бўлиши билан бирга процессуал ҳуқуқ фани сифатида алоҳида тармокдир. Шу боис, “Маъмурий суд иш юритуви” фанига Фуқаролик процессуал ҳуқуқи”, Жиноят процессуал ҳуқуқи” фани сингари соатлар ажратиш лозим. Ўз навбатида, юриспруденциянинг магистратура босқичида “Маъмурий юстициянинг замонавий тенденциялари” номли танлов фани жорий қилиш лозим.

Умуман олганда, маъмурий суд ишларини юритишда ишда иштирок этувчи шахслар ҳуқуқий мақомининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада мавжуд суд амалиётидаги муаммолар ва илмий-назарий долзарб масалаларга

урғу қаратиш асосида соҳа қонунчилиги ва ташкилий асосларини доимий такомиллаштириб бориш диққат марказида бўлиши лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Maier Ch. Der Weg zu einer eigenständigen Verwaltungsgerichtsbarkeit in der Russischen Föderation. Probleme des Verwaltungsschutzes in modernen Russland // Druncker & Humblot GmbH. Berlin, 2015. S. 30; Capitant D. § 35 Gerichte der Verwaltungsgerichtsbarkeit in Frankreich // Karl-Peter Sommermann, Bert Schaffarzik Handbuch der Geschichte der Verwaltungsgerichtsbarkeit in Deutschland und Europa. Springer-Verlag GmbH Deutschland, ein Teil von Springer Nature. 2019. S. 1336–1371.

2. Апарова Т. В. Суды и судебный процесс Великобритании. Англия, Уэльс, Шотландия. М., 1996. С. 11; Уэйд Е. С., Филипс Д. Д. Конституционное право // отв. ред. С. Б. Крылов. М., 1950. С. 61; Шмелев И. В. Особенности процесса пересмотра административных актов в административном суде Великобритании // Теория и практика общественного развития. Краснодар, 2014. № 10. С. 189.

3. G.Madrahimova. Xalqaro tajribada ma'muriy sud ishlarida ishtirok etuvchi shaxslarning huquqiy maqomi va uning O'zbekiston amaliyotiga ta'siri. New scientific perspectives at the intersection of language, culture and technology

Volume 01, Issue 01, 2025. B.14-19.

4. G.Madrahimova. Ma'muriy sud ishlarida fuqarolarning protsessual huquq va majburiyatlarini ta'minlashning amaliy mexanizmlari. Germany Conference on Experience and Research Volume 01, Issue 01, 2025. B.13-18.

5. Verwaltungsgerichtsordnung (VwGO), §65-66. <https://www.gesetze-im-internet.de/vwgo>

6. Bruns, M., & Steen, T. (2007). From incremental to Copernican reform?: Changes to the position and role of senior civil servants in the Belgian Federal Administration. In E.C. Page & W. Wright (Eds.), From the active to the maintenance state (pp. 63-80). Basingstoke: Palgrave Macmillan. doi: 10.1057/9780230288768\_4.

7. Bourgault, J. (2011). Canada's senior public service and the typology of Bargains: From the hierarchy of senior civil servants to a community of "controlled" entrepreneurs. Public Policy and Management, 26(2), 253-275. doi: 10.1177/0952076710391517.